

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
ПЕШКУ ТУМАН 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



Бухоро-2021

МУНДАРИЖА

| 1-ШУЎБА. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ | |
|--|----|
| ҚАХХОРОВ В.Х. Ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш давр талабидир | 4 |
| ҚОБИЛОВ Х. Х. Профессионал таълим муассасаларида дуал таълимни ташкил этишнинг замонавий тенденциялари ва ривожланиш омиллари | 5 |
| ЧОРИЕВ Т. Дуал таълими ва уни такомиллаштиришнинг ҳукукий асослари | 7 |
| МАҲМУДОВ Б.Х. Илмийликка асосланган дуал таълим | 11 |
| ВАЛИЕВ М.Ш., МАХКАМОВ А.Х. Дуал таълимни такомиллаштиришда малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг ўрни | 13 |
| МУҚИМОВ К., НОМОЗОВА Д., САЛИМОВА М. Олий ўқув юртларида физика ва бошқа табиий фанларни ўқитишда янги билимлардан фойдаланиш муаммолари | 14 |
| ХУДОЯРОВА Г.Б. Профилактика аддиктивного поведения старших подростков посредством духовно-нравственных ценностей в профессиональном образовании | 19 |
| ОЛИМОВ Ш.Ш. Профессионал таълим муассасаларида дуал таълимни ташкил этишнинг долзарб муаммолари | 23 |
| ХАКИМЖОНОВА Х.Х. Профессионал таълим муассасаларида дуал таълимни ташкил этиш | 26 |
| РАХМАТУЛЛАЕВА Д.Р. Профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш | 28 |
| ХАСАНОВА Г.Д., ТОЖИЕВА М.В. Дуал таълим: муаммо ва ечимлар | 31 |
| ВАЛИЕВА Ф.Р., АТАЖАНОВА Д.Б. Профессионал ва олий таълим тизимида узвийликни таъминлашнинг педагогик шартлари | 37 |
| АВЛИЯҚУЛОВ А. Профессионал таълим муассасаларида дуал таълим асосида ўқув жараёнини ташкил этиш | 40 |
| РАХМАТУЛЛАЕВА Д. ХОДЖАБАЕВ А.Р. ИСМАИЛОВА З.К. Профессионал таълим муассасаларида “дуал” таълим тизимининг жорий этилиши | 44 |
| ГАФФАРОВ Х.Р., РАВШАНОВ Б.Х. Олий таълим тизимида дуал таълимнинг аҳамияти | 46 |
| ҚАННОРОВ V., USMONOV E., НАҲИТОВ SH., ДЕНҚОНОВ A., OSTONOV Y. Professional ta'lim muassasalarida dual ta'limni tashkil etishning zamonaviy tendensiyalari va rivojlanish omillari | 51 |
| РАХМАТОВ Я.Я., БАДАЛОВ У.Х. Илғор хорижий тажрибалар асосида профессионал таълим муассасаларида дуал таълимни ташкил этишнинг замонавий тенденциялари | 55 |
| ИЛХОМОВ Б.Х. Дуал таълим асосида таълим жараёнларини ташкил этиш | 58 |

| | |
|--|-----|
| РАНИМОВА Д.А. Ta'lim tizimini rivojlantirishda ajdodlar merosining roli | 221 |
| ФАТУЛЛАЕВА М.А., МАҲМУДОВ И. Ёш авлод тарбиясида миллий халқ ўйинларининг ўрни ва педагогик аҳамияти | 223 |
| АВЛИЯКУЛОВ М.М. Бўлажак ўқитувчилар маънавий оламини юксалтиришда санъат ва маданиятнинг ўрни. | 227 |
| TOSHEVA D.I. Ekologik ta'lim-tarbiya haqida allomalar qarashlari | 229 |
| АВЛИЯКУЛОВА Н.М. Пути развития изобразительно-творческой деятельности будущих педагогов. | 235 |
| НУРУЛЛАЕВ А.Р., ХУЖАЕВ Э. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ҳаракатларга ўргатишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш самарадорлиги | 237 |
| ГУЛБОЕВ А.Т. Профессионал таълим тизимида маънавий- маърифий ишларни ташкил этиш | 239 |
| УСМОНОВА Г.И. Таълим ва тарбия уйғунлиги миллий тараққиётга эришиш кафолати | 241 |
| ҲАЙИТОВ Ж.Ш. Ўзбекистонда бошқоқ (дон)ли экин янги навларининг тарқалиши тарихи | 243 |
| ОРЗИЕВ М.З., ҲАЙИТОВ Р. Биринчи жаҳон уруши даврида бухорода герман-турк fronti учун олиб борилган тарғибот ишлари | 245 |
| ГУЛБОЕВ А.Т. Профессионал таълим тизимида касбий-ахлоқий меъёрларини тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари | 251 |
| ҚУРБОНОВА У.Ў. Мустақиллик йилларида ўзбекистонда касбий таълим тараққиёти тенденциялари | 254 |
| GULAMOVA D. "Street law" loyihasi huquq targ'ibotining eng mukammal dasturi | 257 |
| РАЖАБОВ О. Баркамол ёшлар таълим-тарбиясида туркистон маърифатпарварларининг қарашлари | 259 |
| ШАМСИЕВ Р.Х. "Механик узатмалар" мавзусини ўқитишнинг замонавий усуллари. | 261 |
| КЎЧАРОВ Ж.Қ. Мирзо Улуғбек ва Бухоро | 265 |
| ТЕМИРОВ Ф.У. Садриддин Айний – ёш авлоднинг таълим-тарбияси тўғрисидаги фикрлари | 270 |
| ХАКИМОВА Г.А. Религия любви в полотнах Акмаля Нура | 272 |
| АДИЗОВА Х.Р., ШОДМОНОВА Д.А. Табиатга муносабатимизни ўзгартиришимиз шарт | 274 |
| ШИРИНОВ А.Л. Ўзбекистонда манзара жанрининг ривожланиши | 278 |
| НУРИЛЛАЕВА Н.Ш. Интеграция науки и образования как элемент системы непрерывного профессионального образования | 280 |
| СОБИРОВА Ш.У. Архитектура қурилиш чизмачилигида ўқитиш методларининг аҳамияти | 282 |
| ГАФФАРОВ Х.Р., САВРИЙЕВ Й.С., АЗИЗОВ Б.А., СЕВИНОВ У.Б. | 284 |

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент “Ўзбекистон” – 2017 й.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
3. Усмонхўжаев Т.С., Раҳимов М.М., Адиев А.Н. Ўзбек халқ ўйинлари. Т., “Ўқитувчи”., 2004
4. Усмонхўжаев Т.С. Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти. - Т., “Ўқитувчи”., 2005.
5. Абдурахимов Т. Ўзбек халқ ўйинлари ва томошалари. - Т.: НДА; 1997.
6. Усмонхўжаев Т., Хўжаева Ф. “Ҳаракатли ўйинлар” Т.: “Ўқитувчи”, 1992.
7. Azimovna F. M. Formation of spiritual and moral values of pupils in physical education lessons // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 11. – С. 99-103.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ.

М.М.Авлиякулов- БухДУ Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация. Это статья выражает обширно направленные намерения, через которое искусство должно формировать сознание, достоинство, веру и убеждения гармоничного поколения, развитие их духовности, воспитание всесторонне совершенных личностей.

Abstract. This article expresses broadly directed intentions through which art should shape the consciousness, dignity, faith and beliefs of a harmonious generation, the development of their spirituality, the education of comprehensively perfect personalities.

Калит сўзлар: маданият, эстетик, интеллектуал, тафаккур, фидойилик.

Keywords: culture, aesthetics, intelligence, thinking, self-sacrifice.

Ключевые слова: культура, эстетика, интеллектуальность, мышление, самопожертвование.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси: “*Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади*”.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, энг аввало таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни миллий-маънавий кадриятлар негизида шакллантириш, жисмоний соғлом, маънавий етук, ақлий баркамол инсонларни тарбиялашга асосий эътибор қаратилди.

Маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар ҳам қабул қилинди.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида ёш шоир ва адиблар, актёр, рассом ва кўшиқчилар, журналистларнинг истеъдодини юзага чиқариш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг илмий дунёқарашини шакллантириш билан маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашда барча санъат турлари ва тарихининг роли ниҳоятда каттадир.

Санъат барча тарихий даврларда инсон маънавий камолоти жараёнида муҳим ўринни эгаллаб келган. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл-идроки, қалб ғурури билан яратилган мўжизалардан биридир. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик фаолиятдан дарак беради. Санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади.

Инсон табиатан рассомдир. У ўз ҳаётини доимо бирор бир тарзда гўзал қилишга интилади. П.Бенков ҳам санъат - ёш авлодга, инсонга эстетик жихатдан ўсишга фақат санъатни идрок этиш эмас балки умумий маданият, меҳнат маданияти, турмуш маданияти, хис-туйғулар маданиятининг равнақи учун ҳам зарур деб ҳисоблаган.

Давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш вამ илгари сурилган 5 та ташаббус бўйича, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш сингари ислохотлар амалга оширилмоқда. 1-ташаббус ёшларнинг мусика, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини ишга чиқаришга хизмат қилади.

Ушбу қизиқишни ошириш мақсадида шарқона услубдаги «Уста-шогирд» мактаблари ташкил этилди. Бизнинг ёшларимиз ўз билими, тафаккури, маданияти ва санъати билан бошқа мамлакат ёшларидан ажралиб туради. Бундай ёш хунарманд усталардан 10 нафари «Юнеско»нинг «Мохир хунарманд» сертификати билан, 50 нафар хунармандларимизнинг ижодий ишлари Юнеско ва Какса халқаро ташкилотларининг «Сифат» сертификати билан, 20 дан ортик мохир усталар чет эл кўргазмаларида ва танловларда қатнашиб, диплом ва грантларни ютиб олишга эришдилар. «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони, «Фидокорона хизматлари учун» ва «Дўстлик» ордени, «Меҳнат» ва «Шухрат» медаллари билан мукофотландилар.

Инсон ҳаёти бир манзилдан иккинчи бир манзилга қараб юриладиган йўлга ўхшайди. Бу йулда текис ёки равон, паст ёки баланд, олис ва узок машаққат билан эришадиган манзиллар бор. Биз ёшлар бу манзилда бамисоли тоғлар оша одимлаётган одамлармиз.

Бизнинг баркамол келажак авлодимиз ҳамма нарсани ўз билими, тафаккури ва ақл идроки билан енгади. Ҳақиқий санъатни тушунадиган ижодкоргина меҳр-муҳаббати ва фидойилиги билан бунга эриша олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. Т.: Фарғона, 1998 йил.
2. Аллаярова М.М. “Бадий-эстетик тарбия ва маънавият”. (Монография) Самарқанд, 2016 йил.
3. И.Жабборов «Ўзбек халқ этнографияси». Тошкент 1996 йил.
4. К.Норматов “Маданиятшунослик”. Тошкент 2017 йил.

EKOLOGIK TA'LIM-TARBIYA HAQIDA ALLOMALAR QARASHLARI

D.I.Tosheva-Bux DU pedagogika kafedrasida o'qituvchisi.

Ta'lim borasida yutuqlarga erishilmasa, jamiyat o'zining ilgarilama harakatini davom ettira olmasligi barchaga ayon. **Prezidentimiz** SH. M. Mirziyayev ta'kidlaganlaridek “Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan”.[1]

Behbudiy “Ilm va hunarsiz xalqning boyligi, yeri va asbobi kundan - kun qo'ldan ketganidek, axloq va obro'yi ham qo'ldan chiqar, xatto dini ham zaif bo'lur” deb bayon qilgan.

Shuning uchun ham ta'limga bo'lgan e'tibor hamma zamonda ham muhim masalalardan biridir. Ta'lim-tarbiya orqali shaxs kamolga yetadi, jamiyat taraqqiy etadi, davlatlar ravnaq topadi, insoniyat hayoti yaxshilanadi.

Inson faoliyatining tabiatga ta'siri va tabiatni muhofaza qilish zarurati kishilik jamiyati rivojlanishi davrlarida o'z aksini topgan. Tarixdan ayonki, qadimgi odamlar, asosan, terib - tirmachlash, ovchilik qilish va baliq tutish bilan kun kechirishgan. Tabiatning inson ustidan hukmronligi to'lov kashf etilgunga qadar davom etgan. Olov kashf etilishi bilan insonning tabiatga bo'lgan shogirdligi nihoyasiga yetib, tabiat ustidan sezilarli ta'siri kuchaygan. Ma'lumki, inson tabiatning bir bo'lagi bo'lib, uni tabiat yaratgan. Lekin inson jisman va aqlan rivojlanishi bilan tabiatga ozor bera boshlagan. Shuningdek, texnika rivojlanishi o'z navbatida foydali qazilmalardan keng ko'lamda foydalanishga olib keldi.

Inson va jamiyatning tabiatga aks ta'siri kuchayib, oqibatda tabiat bilan jamiyat o'rtasidagi muvozanat buzildi, ekologik tanglik yuzaga keldi. Ekologik tanglikning oldini olmaslik qator ekologik muammolarni keltirib chiqardi va umumbashariy